

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOYIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 1-IYUN, shanba № 67 (14558)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Б. М. РЎЗИЕВНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:
Баҳриддин Муртазаевич Рўзиев Навоий вилоятининг ҳоқими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2002 йил 31 май

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ғ. Д. ДИЛОВНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ғайбулло Дилович Дилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Навоий вилоятининг ҳоқими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2002 йил 31 май

И. КАРИМОВ

НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

31 май куни Навоий шаҳрида халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

— Навоий вилоятини Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва бетакрор хазинаси, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Бу ердаги кўпгина конлар ўзининг ноёб хусусиятлари ва захиралари нуқтаи назаридан нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда камдан кам топилади.

Мамлакатимиз саноатининг фахри ҳисобланган йирик-йирик корхоналарда ишлаётган кўп миллатли аҳил жамоалар, оғир чўл шароитида тобланган фидойи инсонларнинг меҳнати билан бугунги кунда вилоят республикамизда ишлаб чиқарилаётган нодир ва рангли металлларнинг 69 фоизини, цементнинг 34 фоизини, минерал ўғитларнинг 41 фоизини етказиб бермоқда.

Сессияда раҳбар кадрларни тарбиялаш, улар билан ишлашнинг самарали тизимини яратиш, хусусан, уларни ўқитиш ва тажрибасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ғайбулло Дилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳоқими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислон Каримовнинг тавсиясига биноан Баҳриддин Рўзиев вилоят ҳоқими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Хатирчи тумани ҳоқими Э. Турдимов, Навоий кон-металлургия комбинати бош муҳандиси Е. Толстов, «Шамс-Навоий» кичик корхонаси раҳбари Ш. Жамолов, Навоий туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Ж. Ражабова ва бошқалар Президентимизнинг нутқида кўйилган вазифалар барчани янада ташаббускорлик ва масъулият билан ишлашга ундашини таъкидладилар.

(ЎЗА)

ОДАМЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК, ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТИШ — ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИДИР

Президент Ислон Каримовнинг халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!
Хурматли депутатлар!

Бугун халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси кун тартибига кўйилган масала ҳақида ҳаммангиз хабардорсиз.

Айтиш мумкинки, бу масала кун тартибига тасодифан пайдо бўлгани йўқ. Навоий вилоятидаги бугунги аҳвол, иқтисодий-ижтимоий вазият, тобора кўпайиб, кескинлашиб бораётган, одамларимизнинг кайфиятига салбий таъсир қилаётган муаммолар — буларнинг барчаси ушбу сессия кун тартибига кўйилган масала билан бевосита боғлиқ, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шунинг учун ҳам асосий масалага ўтишдан олдин сизлар билан мана шу муаммолар ва бундай вазиятни келтириб чиқараётган сабаблар ҳақида атрофлича фикрлашиб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Шу борада илгари Бухоро вилояти таркибида бўлган бу ҳудудда янги Навоий вилоятининг ташкил қилинишини, бундай қарорга келишда қандай эзгу мақсад ва орзу-умидлар кўзда тутилганини бир қарра эслаб олсак, менимча, ўринли бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, ҳамманинг кўз ўнгига, аввало, бу воҳада мавжуд бўлган ер усти ва ер ости бойликларининг улкан ва ноёб захиралари келади.

Маълумки, бу шаховатли заминда юздан ортиқ фойдали қазилма конлари аниқланган.

Чиндан ҳам, Оллоҳ назари тушган бу тупроқда олтин ва кумуш дейсизми, уран ва вольфрам дейсизми, нурода ва кимёвий хомашёлар дейсизми, мәрмар ва гранит дейсизми — бундай нодир

бойликларнинг барчаси бор.

Шу маънода, Навоий вилоятини Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва бетакрор хазинаси, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бу ердаги кўпгина конлар ўзининг ноёб хусусиятлари ва захиралари нуқтаи назаридан нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда камдан-кам топилади. Мурунгов, Довгизтоғ, Кўкпатас, Омонтойтоғ каби олтин конлари, Қизилқумдаги фосфорит кони мамлакатимиздан олис-олисларда ҳам яхши маълум.

Бу маълумотлар, албатта, оддий мутахассисларга ҳам аён, лекин воҳанинг иқтисодий салоҳиятига бошқа манбалар, айтиқлик, замонавий аэрокосмик ва геодезия техникаси орқали олинган маълумотларга асосланиб баҳо берадиган бўлсак, унинг бағрида яна қанча-қанча табиий бойликлар, ноёб захиралар яшириниб ётганига, уларнинг ҳажми ва кўлами эса стратегик жиҳатдан истиқболли эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, бу вилоят ўзининг иқтисодий салоҳиятига кўра алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиши учун барча асослар бор эди ва шуларни ҳисобга олиб, бундан йигирма йил муқаддам бу ерда Навоий вилояти ташкил этилган эди.

Афсуски, совет тузумининг сўнгги йилларида айрим калтабин раҳбарларнинг собиқ Марказга яхши кўриниш ниятида олиб борган сиёсати туфайли шундай улкан имкониятларга эга бўлган вилоят тугатиб юборилган эди.

Биз 1992 йилда бу воҳанинг беқиёс салоҳиятини рўёбга чиқариш, унинг табиий бойликларини Ватанимиз тараққиёти, халқимиз

манфаати йўлида хизмат қилдириш мақсадида, шу ерда яшайдиган одамларнинг келажагини ўйлаб, Навоий вилоятини қайтадан ташкил этганимиз, иқтисодий нуқтаи назардан ҳам, тарихий нуқтаи назардан ҳам, ўйлайманки, адолатли иш бўлган эди.

Гарчи Навоий вилоят сифатида нисбатан ёш бўлса-да, ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, бу воҳа ўзининг узоқ тарихига, кўҳна илдиз-томирларига эга.

Бунинг исботини шу заминда азалдан мавжуд бўлиб келган Кармана шаҳри, Работи Малик, Нурота каби қадимий манзиллар, Тошмасжид, Чилустун, Кўкғумбаз каби обида-лар, Қосим шайх, Ориф Деҳқоний каби азиз-авлиёларнинг муқаддас қадамжолари мисолида кўришимиз мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, буларнинг барчаси бу ерларда асрлар давомида ўтроқ бўлиб, шу тупроқда илдиз отиб, унга садокат билан меҳру муҳаббатини бахш этган фидойи, ғурури баланд инсонлар яшаганидан далолат беради.

Албатта, не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлган бу заминнинг тарихи ҳақида кўп гапирши мумкин. Лекин биз вилоятнинг бугунги куни, бу ҳудудда яшайдиган одамларнинг ҳозирги ҳаёти, вилоятнинг истиқболи тўғрисида кўпроқ бош қотиришимиз, қайғуришимиз керак, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳиятга эга экани ҳаммамизга маълум. Бу ерда фаолият кўрсатаётган Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий ГРЭСи, «Зарафшон-Ньюмонт» ўзбек-америка қўшма корхонаси, «Навоийазот» ва «Қизилқумцемент» бир-

лашмалари, «Электромашзавод» қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз саноатининг фахри саналади.

Энг муҳими, бу саноат корхоналарининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўзимизда катта захиралари бўлган маҳаллий хомашё ва шу билан бирга, замонавий технологиялар асосида ишлайди. Демакки, бу корхоналарнинг истиқболи ва келажагига ишончли кафолат бор, деб айта оламиз.

Шуни ғурур-ифтихор билан таъкидлаш керакки, нисбатан қисқа — 30-35 йиллик тарихга эга бўлган бу корхоналарда моддий бойликлар яратиш билан бирга, оғир чўл шароитида тобланган, кўпмиллатли аҳил меҳнат жамоалари шаклланди, юқори малакали муҳандис ва ишчиларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди.

Ана шундай фидойи инсонларнинг меҳнати билан бугунги кунда вилоят республикамизда ишлаб чиқарилаётган нодир ва рангли металлларнинг 69 фоизини, цементнинг 34 фоизини, минерал ўғитларнинг 41 фоизини етказиб бермоқда. Бу кўрсаткичлар ҳаммамизни қувонтиради, албатта.

Лекин бугунги кун бизнинг олдимизга йирик, ўта муҳим масала ва вазифаларни кўймоқда. Корхоналаримизни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, маҳаллий хомашёларни кўпроқ ва кенгроқ ишлатиш, маркетинг хизматини тўғри йўлга қўйиш ва шу асосда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш, айтиқ вақтда харидоргир бўлмаган маҳсулотлар

(Давоми 2-бетда)

ОДАМЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК, ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТИШ — ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИДИР

**(Давоми, боши
1-бетда)**

тайёрлаш ҳажмини қисқартириш сингари долзарб вазифаларни ўз вақтида ҳал эта олганимиз ишимизнинг пировард натижаларига бугун салбий таъсир ўтказмоқда.

Энг муҳими, ана шу корхоналар ва ташкилотларда ишни замонавий усулда ташкил қилиш, ишчиларни рағбатлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларини ўз вақтида ечиш ҳозирги пайтда долзарб вазифага айланиб қолмоқда.

Вилоятда бугун чет эллик шериклар билан тузилган 25 та қўшма корхонадан атиги 8 таси саноат соҳасида фаолият кўрсатаётгани, табиийки, бизни қониқтирмайди.

Ўтган йилнинг ўзида 5 та саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 3 миллиард сўмга камагани, 2000 йил кўрсаткичлари билан қиёсланганда, 25 турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми қисқаришига йўл қўйилгани, ҳозирги кунда корхоналар омборларида 14 миллиард сўмлик маҳсулот сотилмай ётгани ҳам шундан далолат беради.

Бунинг натижасида наинки вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий ҳаётга ҳам қанчалик зарар етишини тушунтириб ўтириш шарт эмас, деб ўйлайман.

Маълумки, мамлакатимизда чет эллик сармоядорларнинг фаолият кўрсатиши учун тегишли ҳуқуқий замин, қулай имтиёзлар тизими яратилган. Лекин вилоятда хорижий ҳамкорлар билан ишлашга етарли аҳамият берилмагани натижасида Навоий шаҳридаги “Қизилқум-Рус-Нур” ва “Прибор” каби қўшма корхоналар тўхтаб қолган.

Чет эл сармояларини жалб этган ҳолда, замонавий қўшма корхоналар очиш — иқтисодий ривожлантиришдаги энг асосий масала экани қайта-қайта таъкидланаётганига қарамай, Қизилтепа, Нурота, Томди ва Учқудук туманларида ҳозирга қадар биронта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаганини, ҳокимларнинг бу муҳим ишга лоқайд муносабатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Бугунги кунда вилоят корхоналаридан атиги 3 таси, у ҳам бўлса, Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоий-азот”, “Қизилқумцемент” ишлаб чиқариш бирлашмалари ўз маҳсулотини ташқи бозор-

га олиб чиқмоқда. 2001 йилда вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 16 фоизга камайиб кетгани ташвишга солмасдан қўймайди.

Навоий вилоятининг иқтисодий ривожидида қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Ўтган йили бу ерда 76 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, 43 миллиард сўмлик чорвачилик маҳсулотлари етиштирилганини таъкидлаш жоиз.

Бироқ, сўнгги йилларда мана шу муҳим соҳада ташвишли вазият юзага келмоқда. Хусусан, кейинги икки йил мобайнида вилоятда пахта етиштириш бўйича режалар сурункасига бажарилмапти. Бунинг асосий сабаби — қишлоқ хўжалиги корхоналарида хўжалик юртиш интизомининг бўшашиб кетгани, иқтисодий ислохотларнинг изчил ва самарали жорий этилмаётгани билан боғлиқ, десак, хато бўлмайди.

2001 йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича тузилган шартномаларнинг 33 фоизи бажарилмагани ҳам ана шундан далолат беради.

Энг ёмони, буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий аҳволининг оғирлашувига олиб келмоқда.

Қуйидаги рақамларга эътибор берайлик.

2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарининг жами дебиторлик қарзлари 2 миллиард 175 миллион сўмни, кредиторлик қарзлари эса 5 миллиард 467 миллион сўмни ташкил этган. 285 та хўжалик эса ўтган йилни 439 миллион сўм зарар билан яқунлаган.

Вилоятдаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий аҳволини ўнглаш учун биз зарур чора-тадбирларни кўряпмиз, албатта. Масалан, ўтган йиллар мобайнида бу ерда вужудга келган объектив шарт-шароитни инобатга олиб, вилоят хўжаликларининг қарийб 5 ярим миллиард сўм миқдоридида қарзларидан кечилди.

Бу — давлатимиз томонидан оғир вазиятдан чиқиб олиш учун хўжаликларга берилган катта бир имконият, албатта. Лекин бунга жавобан вилоятда изланиш, ташаббус кўрсатиш, ишни тўғри ташкил этиш ўрнига боқимандалик кайфияти кўзга ташланаётгани, ҳосилдорлик даражаси пасайиб бораётганини

афсус билан айтишга мажбурмиз.

Ўтган йили Хатирчи ва Қизилтепа туманларидаги 7 та хўжаликда гектаридан олинган пахта ҳосили 18 центнерга ҳам етмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Бундай ноҳуш ҳолат дон етиштиришда ҳам учрамоқда. 2001 йилда суғориладиган ерларда ғалла ҳосилдорлиги Хатирчи туманидаги “Оқ олтин” хўжалигида 15,5, Қизилтепа туманидаги Ал-Бухорий номли хўжаликда 12,6, “Маликчўл” хўжалигида 11,5, Навбахор туманидаги Жамбул номли хўжаликда эса атиги 7,5 центнерни ташкил этган, ҳолос.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда ризқ-рўзимиз манбаи, асосий бойлигимиз бўлган ерга нисбатан муносабат барчани ташвишга солмоқда.

Ердан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида ўтган йили 2 минг 57 гектар майдоннинг экин экилмасдан қолиб кетгани, 1 минг 828 гектар ер эса ҳисоботдан яширилгани аниқланди.

Жумладан, Қизилтепа туманида 107 гектар, Навбахор туманида 96, Хатирчи туманида 67 гектар чигит экилган майдондан бир центнер ҳам ҳосил олинмаган.

Сув ресурсларидан оқилонга, тежаб-тергаб фойдаланиш Навоий чўл зонасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида сувдан ва суғориладиган ерлардан фойдаланишдаги йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун вилоят раҳбари Ф. Дилов қаттиқ оғохлантирилган эди.

Лекин, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ўтказилган текширишлардан маълум бўлдики, бу камчилик ва нуқсонлар ханузгача давом этмоқда.

Вилоятда ҳозирги кунда 2 минг 648 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Аммо уларни қўллаб-қувватлаш, техник ва ахборот хизмати кўрсатиш, минерал ўғит, сифатли уруғлик ва кичик техника воситалари билан таъминлашда ёрдам бериш, лизинг хизматида доир масалаларни ҳал этиш ҳамон қониқарсиз аҳволда.

Буни ўтган йили фермер хўжаликлари азотли ўғитлар билан 64 фоиз, фосфорли ўғитлар билан 24 фоиз, калийли ўғитлар билан эса атиги 6 ярим фоиз миқдоридида таъминланганидан ҳам билса бўлади.

Шу сабабли фермер

хўжаликлари томонидан пахта ва дон етиштиришда кескин ўзгариш кўзга ташланмапти. 2001 йилда вилоят бўйича фермер хўжаликлари пахтадан ўртача 22 центнер, ғалладан эса 25,6 центнер ҳосил олган, ҳолос.

Фермерлар томонидан бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳам талаб даражасида эмас. Масалан, ўтган йили вилоятда фермер хўжаликларининг гўшт етиштиришдаги улуши 1,6 фоизни, сут маҳсулоти бўйича 3 фоизни, тухум етиштириш бўйича эса атиги ярим фоизни ташкил этган.

Бу соҳада рўй бераётган камчиликларнинг асосий сабаби шундаки, вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчиларга зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, деҳқон меҳнатини рағбатлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмапти.

Мисол учун, пахта етиштириш шартномасини бажарган оилавий пудратчиларга берилиши лозим бўлган 3 минг 262 тонна пахта ёғидан фақат 155 тоннаси, 14 минг 679 тонна кунжарадан 230 тоннаси, 11 минг 417 тонна шелухадан 217 тоннаси деҳқонларга тарқатиб берилган, ҳолос.

Деҳқон меҳнатига бепасандлик билан қарашдек бундай бемаъни ҳолатга чек қўйилди, албатта. Лекин бунинг учун Президент девони ходимларининг бу масала билан шуғулланишига тўғри келди.

Савол туғилади: наҳотки, вилоятда деҳқон манфаатини ҳимоя қилиб, масалани ўртага қўядиган, уни ҳал этиб берадиган бирон раҳбар топилмасми? Ахир, вилоятнинг ўзидида ҳам бевосита шу масалага жавобгар бўлган ҳокимлар бор, прокурор бор, турли идоралар бор. Ҳўш, булар қаёққа қараяпти ўзи?

Вилоятда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунсиз равишда аралашш, ортиқча текширишлар ҳам, афсуски, ҳали-ҳануз камаймаяпти. Тадбиркорлар томонидан ўз қонуний ҳуқуқларининг ҳимоя этилишини сўраб, вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилиш ҳоллари 2001 йилда олдинги йилга нисбатан 59 фоизга кўпайгани, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашган мансабдор шахсларнинг 321 таси маъмурий ва жинсий жавобгарликка тортилгани ҳар биримизни ўйлантириши, тегишли хулосалар чиқаришга даъват этиши зарур.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Азиз дўстлар! Табиийки, вилоятда йўл қўйилаётган хатокамчиликларни танқид қилиш билан бирга, вазиятга холисона баҳо берадиган бўлсак, бундай ҳолатларга олиб келадиган кўпгина объектив сабабларни ҳам инобатга олишимиз зарур.

Навоий вилоятининг ер ва iklim шароити мураккаблиги, бунинг устига, сурункасига икки йил рўй берган қурғоқчилик оқибатлари, экологик муаммолар, ажратиладиган маблағларнинг етишмаслиги, кўпгина корхоналар ва хўжаликларнинг молиявий аҳволи танглиги каби сабаблар шулар жумласидандир.

Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин, фақат шу ҳолатларни баҳона қилиб, қўл қовуштириб ўтириш ҳам ярамайди. Масалан, мана шундай объектив сабаблардан бири - ерларнинг мелиоратив ҳолатини оладиган бўлсак, ўзингиз айтинг, Хоразмда ёки Қорақалпоғистонда аҳвол бундан яхшими? Ёки қўшни Бухоро ва Қашқадарёнинг туپроқ шароити сизларникидан яхшими?

Агар Навоийда ерларнинг шўрланганлик даражаси 67 фоиз бўлса, бу кўрсаткич Бухорода 91, Хоразмда 97 фоизни ташкил этади. Лекин шунга қарамасдан, Хоразмда юқори ҳосил олишга эришиляпти-ку!

Мен, ўрни келганда, хоразмлик миришкорларнинг меҳнатига, деҳқончилик маданиятига тан бериб, уларни ҳақиқий қаҳрамонлар, деб айтган гапимни яна бир бор такрорламоқчиман. Чунки Хоразм деҳқони қишнинг изғиринида ҳам, баҳорнинг ёгинсочин кунларида ҳам даласида мардона меҳнат қилиб, юзлаб-минглаб гектар ернинг шўрлини ювади. Нима, Навоийда деҳқонларнинг табиати бошқачами, бу ишлар уларнинг қўлидан келмайдими?

Келади, албатта. Қизилтепа туманидаги “Шодиобод” фермер хўжалиги пахта топшириш шартномавий режасини 210 фоизга, Хатирчи туманидаги “Юсуф Турон” фермер хўжалиги 163 фоизга, Навоий туманидаги “Маданият” ширкат хўжалиги 130 фоизга бажаргани бунинг исботи эмасми?

Ёки Қизилтепа туманидаги “Олмазор” фермер хўжалиги аъзоларининг гектарига 80 центнердан зиёд ғалла ҳосили етиштиргани, Кони-мех туманидаги “Кони-мех” ва Абай номли,

Томди туманидаги “Оёққудук” ширкат хўжаликларида ҳар юз бош совлиқдан қарийб 120 тадан кўзи олингани Навоий вилоятида ҳам ишнинг кўзини билладиган, тадбиркор одамлар кўплаб топилишидан далолат беради.

Бу воҳанинг ҳали-ҳануз тўла ишга солинмаётган имкониятлари ҳақида гапирганда, биз аввало қорақўлчилик соҳасини ҳам назарда тутамиз. Чунки, бу вилоят ўзининг бетакрор табиий шароитига кўра қорақўлчиликнинг асосий базаси ҳисобланади.

Айтайлик, Томди ва Учқудук, Нурота ва Кони-мех туманларининг бепоён яйловларида қимматбаҳо хомашё берадиган қорақўл қўйларнинг энг зотдор насларини етиштириш мумкин. Мамлакатимизнинг бошқа бирон-бир ҳудудида бу тармоқни шу даражада ривожлантириш имкони йўқ.

Шуни қайд этиш зарурки, вилоятда қорақўл қўйлар сони кейинги бир йилнинг ўзидида 35 минг 300 тага кўпайиб, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, бир миллиондан ошиб кетди. Ҳар йили 240 мингга яқин қорақўл териси тайёрланмоқда. Бу тармоқ маҳаллий аҳолининг асосий даромад манбаи бўлибгина қолмай, катта экспорт салоҳиятига ҳам эга эканини ҳаммангиз яхши биласиз.

Шу билан бирга, қорақўлчилик хўжаликлари бор имкониятлардан тўла фойдаланяпти, деб бўлмайди. Жаҳон бозорига талаб катта бўлган қорақўлчилик маҳсулотлари тайёрлаш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, айниқса, қўйларнинг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, мавжуд яйловларни сақлаб қолиш, чўпонлар учун зарур турмуш шароитини яратиш бериш — барчамизнинг доимий диққат марказимизда бўлиши керак.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Вилоятдаги мавжуд аҳвол ва муаммолар ҳақида гапирар эканмиз, бу ерда ишсизлик муаммоси ҳамон жиддий масала бўлиб қолаётганини айтиш лозим. Ўтган йили бандлик хизмати идораларига иш сўраб мурожаат қилган 24 минг кишидан 8 минг нафари иш билан таъмин этилмаган. Уларнинг 70 фоизи хотин-қизлар эканини инобатга оладиган бўлсак, масаланинг нечоғли долзарблиги янада аён бўлади.

(Давоми 3-бетда)

ОДАМЛАР ҲАҚИДА ҒАМҲЎРЛИК, ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТИШ – ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИДИР

(Давоми, боши 1-, 2-бетларда)

Бу муаммонинг ечими туман марказларида, қишлоқларда кўплаб кичик ва ихчам sanoat корхоналари, маиший хизмат тармоқлари, хунармандчилик шохобчалари ташкил этишни талаб қилади.

Бу соҳадаги ишга катта салбий таъсир кўрсатиб, тўсиқ бўлиб турган масалалардан энг асосийси, у ҳам бўлса, вилоятда ўтирган мутасадди раҳбарларнинг тадбиркорликка интилиб, ўз ишини бошламоқчи бўлиб юрган ақл-заковатли, ташаббускор одамларга етарли эътибор бермаслиги, ўз вазифасига совуқонлик билан қарашидир.

Буни ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектларига товархонамачи биржалари орқали сотилган моддий-техникавий ресурслар ҳажми 55 фоизга камайиб кетгани ҳам тасдиқлайди.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини рўйхатга олиш, уларга банклар томонидан кредитлар ажратиш борасида юз бераётган камчилик ва нуқсонлар ҳам тадбиркорлик ривожига жиддий тўғаноқ бўлмоқда.

Ўтган йили вилоятда кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олиш, уларга ер майдонлари ажратиш ва тижорат банклари томонидан кредитлар бериш масаласи ўрганилганда 13 мингдан зиёд ҳолатда амалдаги қонун бузилишлари содир этилгани аниқланган.

30 дан ортик ҳолатда вилоят ва туман ҳокимликлари, 34 ҳолатда эса тижорат банклари раҳбарлари тўрачилик, таъмагирлик билан аризаларни ўз вақтида рўйхатга олмаган ёки рад этиб, ортикча хужжатлар талаб қилган.

Ҳатто вилоят ҳокимлигида ҳам кичик тадбиркорлик субъектларининг ариза ва шикоятларини белгиланган тартибда қайд этиб бориш ишлари йўлга қўйилмаган. Навбахор тумани ҳокими эса 18 та хўжалик юритувчи субъект раҳбарларини жаримага тортиш тўғрисида асосиз фармойиш чиқаргани ҳеч қандай ақлга сифмайди.

Вилоятда янги уй-жойлар барпо этиш, аҳоли яшайдиган мавзеларни ободонлаштириш масаласи ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Кўп жойларда йўлларнинг ҳолати, кўчаларнинг қиёфаси ачинарли аҳволда.

Бу ҳақда гапирганда, ғайритабиий бир ҳолат одамни таажубга солади. Бир томондан, бу

ерда замонавий инфраструктурага эга бўлган Навоий, Зарафшон каби шаҳарларни, иккинчи томондан эса, улар билан мутлақо солиштириб бўлмайдиган қишлоқ манзараларини кўриш мумкин.

Барчамиз вилоятдаги шўро давридан қолиб келаётган бундай бирёқлама ёндашувга барҳам бериш вақти аллақачон етганини англаб олишимиз керак.

Бу, албатта, катта куч ва маблағ талаб қилмайдиган иш. Лекин, баракча топкурлар, ташаббус аввало кимлардан чиқиши керак?

Яна ва яна такрор айтмоқчиман, ўзимиз яшаётган юртимизни, қишлоқ-шаҳаримизни, маҳалла-хонадонимизни обод этиш, кўкаламзорлаштириш, йўлларимизни равон қилиш, атрофмуҳитни соғломлаштириш ишларини ўзимиз қилмасак, уларни биров четдан келиб бажариб бермайди-ку!

Бир вақтлар мен Андиджонда бошланган бундай ибратли ишлар ҳақида Кувада бўлганда ҳавас қилиб гапирган эдим. Тушунган одамларга бир оғиз сўз кифоя экан, ҳозир Андиджон, Фарғона, Наманган вилоятларида, шаҳар-қишлоқларида каттаю кичик йўл ва майдонлардаги кўркам манзараларни, кишининг кўзини, қалбини беихтиёр қувонтирадиган савобли ишларни кўриб, ҳар қайси инсоннинг кўнгли, руҳи сўзсиз очилиб, яйраб кетади.

Ўйлайманки, бундай ишларни ташкил қилиш, халқимизни шу каби олижаноб, ҳар томонлама хайрли ташаббусларга бошлаш учун фақатгина битта нарса керак. У ҳам бўлса, раҳбарларнинг, етакчиларнинг уйғониши, юртимизни обод этиш, турмушимизни озгина бўлса ҳам энгил қилиш учун фидойилик кўрсатиши, жон куйдириши керак.

Хурматли дўстлар! Навоий вилоятида ижтимоий соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар орасида барчамизни айниқса безовта қилиши лозим бўлган бир масала борки, у бевосита Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш билан боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятдаги 238 та мактабда дарслар икки сменада, 4 та мактабда эса уч сменада олиб борилаётгани, 10 та мактаб ночор аҳволда экани, 21 та мактабда эса қурилиш ишлари тугалланмай ётгани ҳам бу соҳада анча-мунча муаммолар йиғилиб қолганидан далолат беради.

Кўпгина қишлоқ мак-

таблари баъзи фанлар бўйича ўқитувчилар билан тўла таъминланмаган. Жумладан, чет тили фани бўйича 310 та, жисмоний тарбия бўйича 350 та, меҳнат фани бўйича 130 та ўқитувчи етишмайди.

Текширув жараёнида аниқланган маълумотларга кўра, Навоий вилояти битирувчиларнинг билим савияси бўйича мамлакатда энг куйи ўринда туради. Бу ҳол шу масалага бевосита жавобгар бўлган мутасаддиларни, вилоят ва туман ҳокимларини, Халқ таълими вазирлигининг раҳбарларини безовта қиялтирмай ўқуми, билмадим, лекин шахсан мени қаттиқ ташвишлантирмоқда.

Биз ҳар бир шаҳар ва туманда академик лицей, касб-хунар коллежлари бунёд этиш масаласига нафақат бугунги, балки эртанги кунимиз нуқтаи назардан келиб чиқиб ёндашимиз, ажратилган маблағ ва ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишимиз зарур.

2001 йил давомида қурилиш-монтаж ишлари султ олиб борилгани сабабли Нурота, Навбахор туманлари ва Навоий шаҳридаги касб-хунар коллежлари белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмади.

Вилоятда ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, замонавий спорт мажмуаларини бунёд этиш ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда.

Мактабларнинг 62 фоизи спорт заллари, 21 фоизи футбол, 13 фоизи эса волейбол майдонлари билан таъминланмаган бўлса, ёшларни қандай қилиб спортга жалб этиш, уларни соғлом ва бақувват этиб тарбиялаш мумкин?

Мана, сизларга қўшни бўлган Бухоро вилоятини олайлик. У ерда кейинги йилларда қандай замонавий ва мухташам спорт мажмуалари бунёд этилганини универсиада ўйинлари орқали кўрдик. Энг муҳими, ҳамма гап бу масалага жиддий эътибор беришда, ташаббусга ташаббус қўшиб, одамларни эзгу ишларга сарфарбар эта билишда.

Таассуфки, вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Айниқса, ихтисослашган замонавий тиббий муассасалар ташкил этишдаги сусткашлик туфайли бу борадаги хизмат сифати ҳамон пастлигича қолмоқда.

Хусусан, вилоятда ҳар 10 минг кишига 36 та даволаш ўрни тўғри келиши ҳеч кимни

қониқтирмайди. Чекка ва олис туманларда қишлоқ врачлик пунктлари, малакали шифокорлар етишмаслигини инобатга олиб, бу масала бўйича зарур чоратадбирларни кўриши-миз даркор.

Шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, бир неча турдаги оғир оқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича ҳам қатор муаммолар мавжуд бўлиб, бу соҳада ҳам ҳали кўп иш қилиниши лозим.

Вилоятда қонунчиликни мустақамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат ҳафсизлигини таъминлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, қасддан одам ўлдириш, суиқасд қилиш, автотранспортни ўғирлаш каби жиноят турлари бўйича кўрсаткичлар пасаймапти.

Айниқса, қасддан оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, босқинчилик ва товламачилик сингари жиноятлар сони кескин ошгани, содир этилган жиноятларда вояга етмаганлар ва ўқувчилар иштироки ортиб бораётгани барчамизни хўшёр тортириши даркор.

2001 йили вилоятда 202 та жиноят очилмай қолган. Содир этилаётган қотилликларнинг 60 фоизи оилавий можаролар оқибатида келиб чиқаётганини инобатга олсак, бу соҳага мутасадди бўлган раҳбарлар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари қаёққа қараяпти, деган ҳақли эътироз тугилиши табиий.

Энг ачинарлиси, баъзан вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ҳам турли жиноятлар содир этилмоқда.

Масалан, Навбахор туман судининг собиқ раиси У.Рустамов жиноят ишини энгиллаштиришни ваъда қилиб, 1 миллион 500 минг сўм пора олаётганида қўлга тушган. Зарафшон шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари Н. Назаров, А. Омонов, Ф. Аҳмедовлар эса фуқаро Н. Қодиров томонидан содир этилган оғир жиноятни яшириб, пора олган.

Навоий шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари А. Ризоқулов ва Х. Аҳмедовлар фуқаро М.Эрназаровни жиноий жавобгарликка тортиш билан кўрқитиб, товламачилик йўли билан пора олаётган пайтда қўлга тушган.

Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, жиноятчиликка қарши курашиши лозим бўлган одамларнинг ўзи шундай жирканч ишларга қўл урса, бунга қандай тоқат қилиш мумкин?

Муҳтарам юртдош-

лар!

Биз раҳбар кадрларни тарбиялаш, улар билан ишлашнинг самарали тизимини яратиш ҳақида кўп гапирамиз. Нега деганда, олдимизда турган вазифаларни бажаришда кадрларнинг билимдонлиги, ишчан ва ташаббускорлиги, ташкилотчилиги катта аҳамият касб этади, керак бўлса ҳал қилувчи ўрин тутати.

Навоий вилоятида амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасидан лавозимларга тайинлаш, уларни босқичма-босқич юқори вазифаларга тайёрлаб бориш, ўқитиш ва тажрибасини оширишда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Вилоятда раҳбар кадрларни тез-тез алмаштириш ёмон бир одатга айланган.

Масалан, кейинги уч йил ичида вилоят ҳокимлигининг агро-саноат мажмуи котибияти мудир етти марта, ҳокимликнинг ишлар бошқарувчиси эса олти марта алмаштирилган.

Биргина 1999-2000 йиллар мобайнида 101 та қишлоқ хўжалик корхонаси раҳбарларининг 72 фоизи, жумладан, Хатирчи туманида 95 фоиз, Қизилтепа туманида 70 фоиз, Навбахор туманида 62 фоиз ходимлар турли баҳонаю сабаблар билан алмаштирилгани вилоятда кадрлар кўнимсизлиги оdatий ҳолга айланиб қолганидан далолат беради. Энг ёмони шундаки, бундай тинимсиз кадр алмаштиришлар ишни яхшилашга ҳеч қачон хизмат қилмаган ва хизмат қилмайди.

Энди бугунги сессия кун тартибидаги асосий масалага ўтадиган бўлсак, шунини айтиш лозимки, бундан уч ярим йил олдин мана шу залда Ф. Диловни катта ишонч билан вилоятга биринчи раҳбар этиб тасдиқлаган эдик. Эътироф этиш керак, дастлабки йилларда унинг фаолиятида маълум бир интилишлар ва ҳаракатлар ҳам кўзга ташланди.

Лекин, барчамизга аёнки, Навоий вилоятининг ҳаёти ва истиқболи фақат қишлоқ хўжалиги соҳасига боғланган эмас.

Минг афсуски, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ривожлантириш, маънавий-маданий юксалтириш билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим ва долзарб масалалар вилоят ҳокимининг эътиборидан четда қолиб кетганини бугун қайд этишга мажбурмиз.

Яъни, бу одамда вилоят миқёсидаги бутун муаммоларни чуқур англаш, тушуниш, уларга ягона мақсад нуқтаи назардан ёндашиб, изчиллик билан ҳал этиш

қобилияти, эл-юртнинг минг-минг талаб ва эҳтиёжларидан энг муҳим, устувор масалага эътиборни жалб этиш, авваламбор, кадрларнинг бошини қовуштириш, сафарбар этиш хусусияти, малакаси, очиқ айтиш керакки, етишмади.

Бугунги вужудга келган вазиятни тан олиб, буни ўзи ҳам тушуниб, Ф. Дилов вилоят ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида ариза берди.

Бугун сиз, депутатлар мана шу масалани кўриб чиқиб, унга ўз муносабатингизни билдиришингиз керак.

Хурматли депутатлар, энди Навоий вилояти ҳокими лавозимига номзод масаласини кўриб чиқишимиз зарур. Биз бу борада кўп ўйлашиб, вилоят жамоатчилиги, оқсоқоллар, маҳаллий фаоллар билан маслага ҳақлашиб, бу лавозимга ҳозирги кунда Конимех тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Рўзиев Баҳриддин Муртазаевич номзодини тавсия этмоқчимиз.

Ўйлайманки, ҳамма-нгиз кўпдан буён шу Навоий вилоятида хизмат қилиб келаётган бу раҳбарни яхши танийсиз. У иш фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаб, туман ва вилоят миқёсидаги турли масъул лавозимларда ишлаган, билими, ҳаётий тажрибаси ҳам етарли.


Энг муҳими, у Навоий вилоятини, бу ерда яшайдиган аҳолининг ҳаётини яхши билади. Вилоят олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш, ислохотларни чуқурлаштириш, одамларни қийнаётган ташвиш-муаммоларни ҳал этишда бу раҳбар ўзининг бор куч-ғайрати ва салоҳиятини аямай меҳнат қилади, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Мен Навоий вилоятининг депутатлари ва фаоллари, барча меҳнаткашлари, бутун халқ бугунги айтилган фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, ўз ишига танқидий нуқтаи назардан қараб, янги раҳбар атрофида бирлашиб, вилоят ҳаётида жиддий ўзгариш ясашига қатъий ишонаман.

Чунки, вилоят барча соҳаларда мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши учун ҳамма асос ва имкониятлар мавжуд. Фақат ана шу имкониятларни ишга солиш, улардан оқилона фойдалана билиш керак.

Бугун ҳаётнинг ўзи биздан талаб қилаётган ана шу муҳим вазифаларни ҳал этишда сизларга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва муваффақиятлар тилайман.



«ШУНҚОРЛАР»НИНГ ШУНҚОРЛАРИ

BOШҚARUV VA PAXBARLIK: BUGUNGI KUN TALABI

Ўқувчи ёшларни ҳарбий хизматга, олий ҳарбий билим юртига тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мудофаа, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Мудофаага кўмаклашувчи «Ваган-парвар» ташкилоти, «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда кўп босқичли «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказиб келмоқда. Бу тадбир фақатгина мусобақа бўлиб қолмасдан, кўплаб эзгу мақсадларни кўзлаган ҳаракат ҳамдир. Мусобақаларда ўқувчилар жанговар ва ҳарбий-спорт беллашувларидан ташқари ҳарбий бурч ҳамда ҳарбий-ҳуқуқий билимлар борасида ҳам куч синашади. Мусобақа кунлари ўқувчилар Куролли кучлар ички-тартиб қоидалари асосида казармаларда яшаб, жанговар техника, ҳарбий хизматчиларнинг кундалик турмуши, ҳарбий хизматнинг шарт-шароитлари билан танишади-лар.

2002 йилда ҳам мусобақаларнинг барча босқичлари республикамизнинг ҳамма туман ва вилоятларида зўр қизиқиш ва кўтаринки руҳда ўтказилиб, уларда 120 мингдан ортиқ ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ва 300 мингдан ортиқ ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этди.

Жорий йилда «Шунқорлар» мусобақаси янада такомиллаштирилди ва мазмунан бойитилди. «Шунқорлар» ўз рамзи, байроғи ва мадҳиясига эга бўлди. Мудофаа вазирлигининг кўчма кубоги ва Ҳаракатнинг I, II, III даражаси дипломлари таъсис этилди. Мусобақаларнинг республика финал босқичи Чирчиқ олий ҳарбий танкчи муҳандислик кўмондонлик билим юрти базасида ўтказилди.

Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мутлақ ғолиб бўлган 14 та жамоа қатнашди. Мусобақалар пайтида бир қатор маданий дастурлар ҳам ўтказилди. Таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастури иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан бўлган «Уч авлод учрашуви»га уланиб кетди.

Ўқувчилар ҳарбий билим юрти музейи билан ҳам танишдилар.

Мусобақалар якунига кўра, Навоий вилояти Нурота туманидаги 18-мактаб жамоаси биринчи, Наманган вилояти Наманган туманидаги 20-мактаб ва Тошкент вилояти Паркент шаҳридаги I-мактаб жамоалари иккинчи, Андижон вилояти Хўжабод туманидаги 17-мактаб ва Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 247-мактаб жамоалари учинчи ўринни эгаллашди. Бундан ташқари Қашқарё вилояти Қарши шаҳридаги 26-мактаб жамоаси энг кучли жамоа совринига сазовор бўлди. Ундан ташқари «уста мураббий», «моҳир мерган», «энг кучли сардор», «ғалабага бўлган интилиши учун», «энг аҳил жамоа» номинациялари бўйича ҳам совринлар топширилди. Ғолиб ва совриндорлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда ҳамкор вазирлик, ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

Тўхтасин АРСЛОНОВ,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши бўлим мудир

Бугунги кунда ёшлар тез ўзгараётган ҳаёт қийинчиликлари билан юзма-юз тўқнашмоқдалар. Рухий ва физиологик осойишталик ҳали ҳам оила ва қадимий анъаналар билан мустаҳкамлансада, бироқ бора-бора атроф-муҳит ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар таъсирини учрамоқда. Ёшлар турли ҳаёт тарзи ва синовлари билан тўқнашиб, ўрнатилган ҳаёт тартиб-қоидалари билан зиддиятларга дуч келмоқдалар. Ёшларимиз жинсий тарбияга доир тўлиқ маълумотларга эга эмас.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК НИМА?

Бутунжаҳон бўйича ўтказилган сўровларнинг кўрсатишича, репродуктив саломатлик ҳақидаги асосий маълумотлар манбаи ота-оналар ҳисобланади, бироқ амалда ёшлар маълумот олиш учун кўпроқ тенгдош дўстларига мурожаат қилишади. Ўсмирларда рўй берадиган

жисмоний, руҳий ўзгаришларнинг табиий ва жинсий етукликка эришадиган нормал ҳолатнинг бир қисми эканлигини тушунтириш мақсадида ўтказилган анжуманда «Тенгдош-тенгдошга» таълим дастури ишлаб чиқилган.

«Тенгдош-тенгдошга» таълим дастури ёшлар-

га ўсмирликда рўй берадиган ўзгаришларни тушунишлари, жинсий ва репродуктив саломатлик ҳақида яхши билимга эга бўлишлари, жинсий алоқа ва репродуктив саломатлик муаммолари бўйича бемалол ҳамда самарали суҳбатлаша олишларига ёрдам беради. Ўсмирлар репродуктив саломатлиги мавзуси нозик ва қийин масаладир.

Репродуктив саломатлик нима? Бутунжаҳон саломатлик ташкилотининг аниқлашича, репродуктив саломатлик — бу тўлиқ ижобий, жисмоний, ақлий ва ижтимоий ишлаб чиқарувчи жараёнларнинг пайдо бўлишидир. У саломатликнинг нафақат репродуктив жараёнида (эркакларда 15 ёшдан 45 ёшгача, аёлларда 13 ёшдан 55 ёшгача на-

моён бўлади) балки болаликдаги саломатликда ва репродуктив фаолиятнинг сусайиш жараёнида ҳам намоён этилади. Репродуктив саломатлик таълими — энг самарали ҳисобланиб, бу ёшларда ҳаётий кўникма ҳосил қилиш, уларнинг тўғри ва соғлом фикр юритишларига ёрдам беради.

Шуни маълум қиламизки, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ЮНЕСКО ва ЮН-ФПА аҳолишунослик жамғармаси билан ҳамкорликда олиб борилаётган «Тенгдош-тенгдошга» таълими дастури асосида рўзномамизнинг ҳар шанба соғинида репродуктив саломатлик ҳақида сизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

Ўз мухбиримиз

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар кадрлар сиёсатига туб ўзгаришлар олиб кирапти. Шу сабабли бугунги кунда юксак малакали раҳбар кадрлар тайёрлаш масаласи долзарб вазирадир.

Халқимизда «Ун кўшчига—бир бошчи» деган ибора бор. Соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида «Тажрибаимизда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзал, — деб ёзган эди.

Шу ўринда бугунги ҳаётимиздаги муайян бир номуносибликни ҳам очиб эътироф этишимиз керак. Бошқарувнинг маълум қатламларида, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида янгиликка интилиш, янгиликни жорий этишга саъй-ҳаракатлар бор. Лекин бу олижаноб ҳаракатлар айрим бўғинларда, идораларда ўтирган, тўрачиликни ўзларига касб қилиб олган, лоқайд, эскича фикрлайдиган, ўзини хон, кўланкаси майдон деб ҳисоблайдиган, раҳбарликни юксак масъулият деб эмас, балки мартаба деб қарайдиган, янгиликка, тадбиркорлик ва ташаббускорликка йўл бермайдиган айрим ношуд кимсаларнинг қаршичилигига дуч келмоқда.

Бугунги раҳбарларнинг зиммасидаги вазифаларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Кўп тармоқли, хилма-хил мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқаришнинг томир уришини ҳис қилиш ниҳоятда муҳим. Фақат пухта билим, тиниқ идрок, етарли тажриба, кучли ирода соҳибларига кундалик иш натижаларини таҳлил қилиб, оқилона хулосалар чиқара бориб, барча жабҳаларда ислохотларни барқарор, самарали тус олдирадидлар.

Раҳбарлик улкан масъулият. Унинг «юк»ни маънавий баркамол, воқеалардан огоҳ, кичик масалани ҳам, йирик муаммоларни ҳам уйғунликда ечишга қодир кадрлар кўтара оладидлар. Энг асосийси, элим деб, юртим деб яшаб, ташаббус кўрсатиш, мақсад манзиллар сари қатъийат билан боришда. «Раҳбар одам,— деб таъкидлайди Юртбошимиз,—бошқарларга нисбатан узокроқни кўриши керак. У нафақат бугунни, эртанги кунни аниқ тасаввур этиб ишлаши, келажакнинг ташвиши билан яшаши зарур».

Жамиятни эркинлаштириш, бошқарувни демократлаштириш раҳбарлик санъатига алоҳида талаблар қўяётганлиги шубҳасиз.

Биз ўз тараққиётимизда бўшанглик, масъулиятсизлик, ўзибўларчилик гирдобларига тушиб қолмаслигимиз зарур. Бундай ҳолатда енгил-елпи ишлаш кайфияти кучаяди, ташаббуслар ўрнини хотиржамлик эгаллайди. Бинобарин, иқтисодийтимиз ҳолати, фуқароларнинг турмуш даражаси, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси раҳбарларнинг оқиллигига, қатъийати, ғайрат-ташаббусига, муҳим ишларни амалга оширишларига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Абдусамат Қўлдошев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси Олимпия қўмитаси президентининг маслаҳатчиси Роман Ицков Бухорода ўтаётган «Универсиада-2002» спорт мусобақаларига бош ҳакамлик қилмоқда. Кеча журналистлар билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида у шундай деди:

— Биз Наманганда, Жиззахда, Фарғонада ўтган ёшлар спорт байрамларида ҳам иштирок этгандик. Уларнинг барчасидан қониқиб ҳосил қилганмиз, албатта. Лекин эътироф этишим керакки, Бухорода ўтаётган «Универсиада-2002» мусобақаларининг ташкилий жиҳатдан ҳам, жўшқинлиги жиҳатидан ҳам бир поғона устунлиги яққол кўзга ташланди.

Бу эътирофга алоҳида эътибор бермоқчи эмасмиз, чунки вақт ўтиши ва тажриба ортиган сайин, ҳар қандай воқелик ёки амалиёт ривожланиб бориши табиий ҳол. Бухоро «Универсиада»си унда иштирок этаётган спортчилару ҳакамларга, мухлислару барча-барчага

бир олам завқ-шавқ бағишлади. У соғлом ҳамда баркамол авлод учун кўраш сиёсати муваффақият қозонаётганининг бир намоёйишидир. Буюк келажакни ўйлаб қилинаётган бу ишлар учун давлатимиз ҳар қанча маблағни ҳам аямаяпти.

«Бир йил бурун Бухорога келиб, «Универсиада» ўтадиган спорт иншоотлари аҳволини кўрганимизда, кайфиятимиз тушганди,— дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Майя Қарақулина.—Улар талабга мутлақо жавоб бермасди, таъмирлаш ва қуриш учун эса тўрт-беш йиллик вақт керак деб ўйлагандик. Бугун қисқа вақт ичида қилинган ишларни кўриб ҳайратландик».

«УНИВЕРСИАДА — 2002»

Хуллас, «Универсиада» кунлари ҳақиқий байрам тусини олди. Нафақат спорт майдонларида, балки шаҳарнинг бўлиб ўтди. «Универсиада-2002»нинг кураш, енгил атлетика, стол тенниси ва сузиш мусобақаларида илк чемпи-

— Фарғона; III ўрин — Самарқанд.

Сузиш: I ўрин — Тошкент I; II ўрин — Навоий; III ўрин — Андижон.

Кўриниб турибдики, «Тошкент I» жамоаси та-

кўрсатаётганлиги барчани қизиқтириши шубҳасиз.

Иккинчи давра учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

Тошкент I—Фарғона 4:1; Наманган—Хоразм 1:2; Бухоро—Сурхондарё 3:0; Қашқадарё—Жиззах 0:1; Тошкент III—Андижон 1:3; Тошкент вил.—Самарқанд 3:0; Қорақалпоғистон—Тошкент II 4:3; Навоий—Сирдарё 2:1.

Футбол мусобақаларининг финал босқичи ҳам бугун-эрта бўлиб ўтади.

Қолган спорт турлари бўйича ҳам мусобақалар айни авж паллага кирди. Бугун уларнинг ғолиблари ҳам аниқланади. «Универсиада-2002» ғолиблари учун 230 та олтин, 230 та кумуш ва 270 та бронза медаллар тайёрлаб қўйилган. Умид қиламизки, бирор бир вилоятнинг вакиллари бу мукофотлардан бенаиб қолмайдилар.

Саидбурхон КОДИРОВ,
«Turkiston» мухбири

ОМАД БАРЧАГА КУЛИБ



БОҚАВЕРМАЙДИ

барча кўчаларида эртдан-кечгача байрам кайфиятидаги кишиларни учратиш барчани руҳлантиради.

Энди бевосита мусобақаларнинг натижалари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, 31 майгача 12 та спорт туридан 4 тасида финал босқич баҳслари

онлар аниқланди.

Кураш: I ўрин — Тошкент I; II ўрин — Бухоро; III ўрин — Тошкент вилояти.

Стол тенниси: I ўрин — Тошкент I; II ўрин — Андижон; III ўрин — Бухоро.

Енгил атлетика: I ўрин — Тошкент I; II ўрин

сида Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтининг маҳоратли спортчилари ҳам борлиги уларнинг муваффақиятига қанот бўлаётир.

Энг оммавий спорт турларидан бири бўлган футбол баҳсларида «Универсиада» иштирокчилари қандай натижалар

ШАРХЛОВЧИ МИНБАРИ

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири АҚШ Давлат Департаменти томонидан уюштирилган «Хукумат ва матбуот ўртасидаги муносабатлар ҳамда хавфсизлик масалалари» мавзудаги махсус дастур доирасида Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтди. Марказий Осиё давлатлари вакиллари учун ташкил этилган мазкур дастурда журналистлар, турли давлат идораларининг матбуот котиблари иштирок этди.

Сафаримизнинг учинчи куни Вашингтондаги Хорижий матбуот марказига бордик. Марказ ходими гуруҳимизни илиқ қарши олар экан, даб-дурустдан сўраб қолди: «Ораларингизда Ўзбекистондан келган вакил борми?» Қўшни давлатлардан борган саккиз нафар ҳамкасбимиз, бизга ҳамроҳлик қилаётган Давлат Департаменти йўлбошловчилари даров менга қарашди. Мен Ўзбекистонданман, деб ўзимни таништиришга таништирдиму, аммо ўша сонияларда савол сабабини, тўғриси, англамадим. Мезбон америкаликларга хос табассум билан ўз саволига изоҳ берди: «Тез кунларда мамлакатингиз Президенти Ислон Каримов АҚШга ташриф буюрди. Биз ҳам шунга тайёргарлик кўряпмиз».

Оқ уй хавфсизлик кенгаши ва матбуот хизмати вакиллари билан учрашувда ҳам, Давлат Департаментига борганимизда ҳам худди шунга ўхшаш гапларни эшитдик. Аниқ-равшан сезилиб турардики, Ўзбекистон раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи мамлакат жиддий ҳозирлик кўраётди. Ислон Каримовнинг АҚШга ташрифи давомида эса бу нарса бутун бўй-басти билан намоён бўлди. Давлатимиз раҳбарининг АҚШ Президенти Жорж Буш ва бошқа юқори мартабали давлат арбоблари билан бўлиб ўтган учрашувларининг ўзидек ташриф салмоғи нечоғлик бўлганини англаш учун kifоя.

Ўзбекистон раҳбарининг АҚШга расмий сафари Америка сиёсий доиралари, кенг жамоатчилик томонидан алоҳида эътибор билан қарши олинди. Ақсарият сиёсий шарҳловчилар буни АҚШнинг аксилтеррор ҳаракатларида Ўзбекистон кўрсатган ёрдам туфайли, деб изоҳлашди. Албатта, буни инкор этиб бўлмайди. Аммо, гап фақат кўрсатилган кўмакдагина эмас. Биринчидан, Ўзбекистон АҚШнинг халқаро сиёсатдаги ҳатти-ҳаракатлари, ташаббусларини доимо қўллаб-қувватлаб келган. Иккинчидан, давлатимиз раҳбарига кўрсатилган бу эътибор Ўзбекистоннинг глобал хавфсизлик ҳамда барқарорлик борасидаги қарашлари нечоғлик тўғри эканининг ўзига хос эътирофи ҳамдир. Хусусан, Афғонистон муаммоси бўйича Ислон Каримов илгари сурган ташаббуслар ҳаққоний эканини вақтнинг ўзи бот-бот исботлаётди. Утган йиллар мобайнида Ўзбекистон минтақавий тинчлик ва барқарорлик борасида кўплаб муҳим ташаббусларни илгари сурди. Улар бирин-кетин ўз амалий инъикосини топаётди.

Биламизки, инсоннинг энг биринчи ҳуқуқи бу яшаши ҳуқуқидир. Ҳар қандай давлат раҳбари, аввало, ўз мамлакатни фуқаролари ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаши керак. Бу ўз-ўзидан бўладиган, осон иш эмас, албатта. Бунинг уйдасидан чиқмай уруш балосига гирифтор бўлиб, қаддини тутта олмаётган халқлар қанча. Бугун ҳатто Америкадайд кудратли давлат ҳам ўз фуқаролари хавфсизлигини таъминлаш борасида жиддий муаммоларга дуч келаётгани сир эмас.

Фикримиз исботи учун сўнгги йилларда мамлакатда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари, мактаблардаги отишмалар ҳақида эслаш kifоя. Хусусан, бундан етти йил муқаддам АҚШнинг Оклахома штатида йирик террорчилик ҳаракати содир этилган эди. Оклахома Сити марказида автомашина портлатилиши оқибатида қатор расмий идоралар жойлашган маъмурий бино вайронага айланган, кўплаб одамлар

қурбон бўлган эди.

1998 йилда эса АҚШга қарши яна бир йирик кўпуровчилик ҳаракати содир этилди: террорчилар АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналари биноларини портлатиб юборди.

Утган йилнинг сентябрь фожеалари нафақат Америка, балки бутун дунё ахли учун жуда қатта руҳий зарба бўлди. Дақиқалар ичида уч мингдан зиёд кишининг қурбон бўлиши, яна қаерда юксак тараққиёт ва фаровонлик диёри Америкада, тасаввурга ҳам сиғмайди. Халок бўлганлар орасида 78 мамлакат вакили, шу



миқёсда ўз эътирофини топди.

Ўзбекистон раҳбари 1999 йил НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан Вашингтонда ўтган саммитдан қайтаётиб журналистларга берган интервьюсида, халқаро хавфсизлик тизимида мувозанат йўқлиги ҳақида гапирган эди. Афғонистонда террорчилик масканларининг гуллаб-яшнагани, бу заминга «ташқи дунёдан» ҳаҳисобсиз қурол-яроғ, «ташқи дунёга» эса лак-лак террорчию тонна-тонна наркотик экспорт қилинганининг асосий сабаби ҳам глобал миқёсда ҳамма минтақага бирдек эътибор йўқлигидан эди. Сўнгги вақтларда дунёнинг турли бурчагида кечаётган воқеалар, хусусан ўтган йил АҚШда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари шунинг исботладики, халқаро хавфсизлик тизимида мувозанат ўрнатилмас экан, эҳтимолдаги хавф-хатардан бирор бир давлат мустасно бўла олмайд.

Албатта, бу масала алоҳида мақола учун мавзу. Шу боис бу борадаги мулоҳазаларимизга ҳозирча чек қўйиб, Ўзбекистон раҳбарининг АҚШга ташрифи хусусидаги фикрларимизга қайт-

сак. Сиёсий шарҳловчилардан бири Ислон Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи ҳақида тўхталар экан, дунё оммавий ахборот воситалари ҳали бу воқеа хусусида жуда кўп ёзишади, деган эди. Дарҳақиқат, ташрифининг аҳамияти чиндан ҳам улкан.

Биринчидан, мазкур ташриф икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқотда янги даврни бошлаб берди. Ундан бурунроқ америкалик қатор расмийларнинг Ўзбекистонга бирин-кетин келиб кетишларини кўриб, айрим сиёсатчилар Тошкент сал бўлмаса «халқаро сиёсат марказига» айланиб қолганидан хавотирга тушганидан хабаримиз бор. Ташриф самараси ўлароқ Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик қарор топганидан сўнг уларнинг ташвиши яна ҳам ортган бўлса, эҳтимол.

Иккинчидан, ташриф асосида Ўзбекистон-Америка муносабатларининг мустақамланиши мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий ислохотларни янада жадаллаштиришга кўмак беради.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро сиёсатдаги нуфузи ортди, тутган мавқеи янада мустақамланди.

Америка узоқни кўрадиган давлат. У ким билан ҳамкорлик қилишни яхши билади. Бевосита, Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига келсак, Америка Ўзбекистонни бугун таниётгани йўқ. Расмий Вашингтон 1992 йил ўз элчихонасини Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб Тошкентда очгани ҳам бежиз эмас. АҚШ Давлат Департаменти расмий вакиллари билан бири айтганидек, Ўзбекистон бугун ҳам АҚШнинг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкоридир.

Фарход АРЗИЕВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси.
Тошкент-Вашингтон-Нью-Йорк-Тошкент

ИСЛОХОТ —
УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН

Мамлакатимизда судларнинг мустақиллигини таъминлаш борасида ўзига хос йўлдан борилмоқда. Бу ўринда шунинг таъкидлаш жоизки, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирининг қабул қилиниши ижтимоий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлди. Шунингдек, судлар фаолиятини моддий техник ва молиявий таъминлашни янада такомиллаштириш, судлар фаолиятининг мустақиллигини мустақамлаш, шунингдек, суд қарорларини ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси судлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти сифатида қайта ташкил этилди.

Департамент зиммасига суд қарорлари бошқа органлар қарорлари сўзсиз ижро этилишини ташкил этиш; суд ижрочилари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларини ҳамда уларнинг самарали фаолият юритишини ташкил этиш; судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ишларини йўлга қўйиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш; судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган капитал маблағларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш чоратadbирлар кўриш; судьялар ва судлар аппарати ходимларининг меҳнат, моддий шарт-шароитларини ва ижтимоий таъминотини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни тегишли органларга киритиш; шунингдек, судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилди.

Эндиликда, қонун талабларидан келиб чиқиб, суд ижрочилари суд тизимидан ажралган ҳолда, суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлинмалари сифатида алоҳида тармоқни ташкил этиб, нафақат суд, балки бошқа органлар ҳужжатлари ҳам ўз вақтида ижро этилишини таъминламоқда. Шунингдек, суд ижрочиси ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажаришга, қарздорга кўпи билан беш кун муддат белгилашга ҳақли. Башарти, қарздор белгиланган муддат ичида қўйилган талабни ихтиёрий равишда узрсиз сабабларга кўра бажармаса, суд ижрочиси жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақини 10 барабаргача миқдорда жарима солиб, ижрони мажбурий амалга оширади. Жумладан, ўтган давр мобайнида судлар департаментининг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими томонидан фуқаролар фойдасига жиноят натижасида етказилган зарарлар бўйича 25.958.179 сўм, фуқаролик муносабатлари бўйича 44.396.688 сўм, шунингдек, ташкилотлар фойдасига жиноят натижасида етказилган зарар бўйича 25.631.017 сўм, фуқаролик муносабатлари юзасидан 38.762.577 сўм, давлат фойдасига эса 12.491.517 сўм, ҳўжалик ишлари бўйича 17.638.988 сўм ундириб берилди. 2002 йилнинг биринчи чорагида жами 182.517.954 сўм ундирилди.

Мазкур қонун талабларининг амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида судлар Департаменти томонидан «Ижро этишни юритиш ва суд ижрочиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган ва жорий йилнинг январь ойидан амалга киритилган эди. Бугун вилоятимизнинг барча туман (шаҳар) суд ижрочилари ўз фаолиятини мазкур Низом асосида олиб бораётдилар.

Бахтиёр АЛМАТОВ,
Судлар Департаментининг Сирдарё
вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи

МЕҲРИБОНЛИК

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманида жойлашган 234-сил касалликларига ихтисослашган болалар боғчасида болалар учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

—Боғчамизга асосан сил касаллигига чалинган болалар қабул қилинади, дейди боғча мудираси Дилдора Қудратова. —Уларни касалдан фориғ бўлишлари учун даволашнинг барча услубларини ўз вақтида қўллаймиз.

Боғчада кичкинтойлар олти маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Махсус тайёрланган табиий ва шифобахш дорилар ўз вақтида берилмоқда. Натижа ёмон эмас.

Лаъли АҲМЕДОВА



1 ИЮНЬ — БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

Инсон ҳуқуқлари бола ҳуқуқидан бошланади, деган сўзлар бугун бутун дунё тан олган халқаро ҳуқуқий ҳужжат "Болалар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг сарлавҳасини ташкил этади.

Бугунги кунда болалар ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчилигимизга импелментация қилиш, болаларнинг яшаши, ўсиши ва ҳимоясига оид миллий дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, болалар ҳуқуқини таъминлаш асосларини вужудга келтириш ва такомиллаштириб бориш, болалар ҳуқуқини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза этувчи халқаро ташкилотлар, жумладан ЮНИСЕФ билан ҳамкорлик масалалари яхши йўлга қўйилди. Ўзбекистон билан ЮНИСЕФ ўртасида 2000-2004 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди. Унда болалар яшаш ҳуқуқини кафолатлаш, беш ёшгача болалар ҳаётини сақлаб қолишга эришиш, ўсиш ва ривожланиш шароитини, оналар соғлигини яхшилаш орқали соғлом фарзанд туғилишига эришиш, мах-

сус эҳтиёжли болаларга эътиборни кучайтириш, ўсмирлар соғлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши ва муҳофазаланиши

БОЛАЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

масалаларига эътибор қаратилди.

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги, давлат ва жамият етим ҳамда ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенг э к а н л и к л а р и

Конституциямизда ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бозор муносабатлари шароитида кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. 1997 йил январидан болаларга нафақа тўлашнинг янги тизими жорий

ма ва бошқа паталогияни барвақт аниқлаш бўйича "Она ва бола скрининги" давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида мамлакатимизда қатор скрининг марказлари ишга туширилиб, диагностика апаратлари, ташкилий-техника ва алоқа воситалари билан жиҳозланди.

Ўтган йилнинг кузидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш" конвенцияси қабул қилинганига 12 йил тўлди. Ушбу сана муносабати билан Женевада БМТ Бош Ассамблеясининг болалар ҳуқуқларига бағишланган махсус сессияси бўлиб ўтди. Унда сўнгги ўн йил давомида болалар манфаатлари йўлида эришилган ютуқлар таҳлил этилиб, келгусидаги вазифалар белгилангани таъкидланди.

Фаррух САМАДОВ,
Тошкент Давлат
юридик
институтини талабаси

ЁШ ОТА-ОНАЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

ФАРЗАНДИНГИЗ — ДЎСТИНГИЗ, ФАҚАТ...

▪ Аввало, болангизга ўз ҳис-туйғуларини ифодалашга имкон беринг. Кайфияти яхшими-ёмонми, гапларини тинглаб, унга ёрдам беришга ҳаракат қилинг.

▪ Сабр-тоқатли бўлинг. Буюрган ишингиз ёки ўргатган нарсаларингизни қайта-қайта айтишга эринманг. Лекин ҳадеб эслатавериб боланинг жонига тегманг. Библи кўйинг, улар бизлар ўйлагандан кўра ақлироқ.

▪ Жанжал ва баҳсларни ҳаққоний ҳал қилишга ҳаракат қилинг. Кичиклар катталарнинг ҳар бир ноҳақликларини сезиб, билиб туришади. Жазони ҳам беҳудага бераверманг.

▪ Ўз норозилигингизни айблаш усулида баён этманг, бу болани гап қайтаришга ўргатади. "Сен ундоксан, бундай ишни қилдинг, уни қилма" деган гаплардан кўра, кўпроқ "бу ишни қилганинг учун мен хафа бўлдим, энди нима қиламан, менга ким ёрдам беради" қабилидаги гаплар болага тез таъсир қилади. Ўз айби билан сизни ташвишга солганини бола сезиши керак.

▪ Болани уришаётган пайтингиз ўзингизни босиқ тутишга ҳаракат қилинг, нимадан норозилигингизни болага тушунарли қилиб аниқ баён этинг. Кўпинча болалар қилган қайси ишлари учун жазо олаётганларини тушунмайдилар. Фарзандингиз камчиликларини эмас, қилиб қўйган ишини муҳокама қилинг.

▪ Фарзандингизни ўз фикрини баён этишга қодир шахс сифатида қабул қилинг. Баҳс ва мунозараларда унинг ҳам фикрларини тингланг. Баъзида улар ҳақ бўлиб чиқишади.

Ёдингизда бўлсин, болага қандай муомала қилсангиз, кейинчалик сизга ҳам шундай муносабатда бўлади. Улар таклид қилишга жудаям уста бўлишади. Мабодо фарзандларингиз жудаям уришқоқ экан, айбни улардан эмас, ўзингиздан қидиринг!

Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади



КАТТАЛАР ҲАМ ЯХШИ КЎРГАН КУН

Бир гуруҳ болалар билан суҳбатлашдим. Ширингина қизалоқдан исмини сўрасам, Мадина деб жавоб берди. Ундан қай байрамни ёқтиришини сўрайман. У бир талай байрамларни санаб ўтади ва охирида 1 июнь-Болалар кунини энг яхши кўришини, унда ҳаммасидан ҳам кўпроқ қувонишини айтди.

Шаҳодат
МИРЗААЛИЕВА

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Бахтимизга болажонларимиз доимо соғ-омон, баркамол бўлиб, гуллаб-яшнаётган Ватанимизда ўсиб-улғаяверсинлар.



Истиқлол туйғуларини ҳар битта мурғак қалбда Ватанга садоқат туйғуларини шаклланаётганлигидан бениҳоя мамнунмиз.

Мустақил Ўзбекистон болажонларини 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунини билан табриклайди.

ВОИЗЛАР ТАНЛОВИ

Республика "Маънавият ва маърифат" марказида "Воизлар танлови"нинг республика якуний босқичи ўтказилди.

Воизлар кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчилари тадбир куни уларга тақдим этилган "Мустақиллик — олий неъмат", "Жаҳонга юз тутган Ўзбекистон", "Истиклол ва ёшлар", "Терроризм — башарият душмани", "Гиёҳвандлик — аср вабоси", "Ота-она ганимат, фарзандлар давлат" каби ўнлаб мавзулардан бирини танлаб, сўзга чиқдилар ва шу тарзда ўзларини таништирдилар. Воизлар ичидан Фаргона, Тошкент, Самарқанд, Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари, айниқса, таҳсинга сазовор бўлдилар.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, миллий истиқлол гоёси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий маффурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган тарғибот ишларини янги босқичга кўтариши зарур. Республика "Маънавият ва маърифат маркази" томонидан иккинчи бор ўтказилаётган ушбу воизлар танлови айнан шу кўламада ташкил этилаётган тадбирлардан биридир. **Барно ЭШПҲАТОВА**

«ҚЎШИҚЛАРИМДА МАНГУ ЎЛМАСЛИГИМНИ БИЛДИМ»

Севимли кўшиқчимиз Охунжон Мадалиев ўзининг иккинчи умрини юртдошларининг ардоқли хотираларида яшамокда...

У халқ кўз ўнгида улгайган ҳофиз эди. Балки шунданми бир умр шунчаки Охун бўлиб қолди. Аслида мўйлови ҳали сабза урмаган бўз болалик пайтларидаёқ у ўз мухлисларини топиб улгурганди. Олтиариқнинг энг чекка қишлоғида яшаб ва мактабда ўқиб юрган йиллари эски мопедининг рулига рубобини осиб, туман марказига, Рўздат чилдирмачининг тўғарагига қатнаб юрган пайтлариёқ, у ўз йўлини топган, ўзини-ўзи суяб, катта қилаётганди... Кейин илк кўшиғи "Сени излаб Насибам"ни айтди. Йигирма ёшида ўз кўшиқлари ёзилган биринчи кассетаси чиқди. Шу йили уйланди. Фарғонада Охун, Охун бўлди. Унинг йиғлоқи кўшиқлари йиғлоқи қизларни йиғлатди. Севгипараст йигитлар кўшиқларидан таскин қидирдилар.

Севимли шоиримиз раҳматли Муҳаммад Юсуф таъбири билан айтганда, Охунжон Мадалиевнинг ҳамшиша сарфлаб бўлган кучидан кўра, ҳали имкониятлари кўплиги шундоқ кўриниб турарди. Бир гал ардоқли ҳофизимдан "Нима учун ово-

зингиз йиғлоқи, у табиийми ё атайлаб йиғлоқи, нолали оҳангга тушириб оласизми?" деб сўраганимизда, ўзига хос соддалик билан кулиб: "Мен кўшиқ айтиш учун атайлаб ҳеч нарса қилмаман. Овозим қандоқ бўлса шундоғича кўшиқ айтаман", деганди.

Охуннинг маъноси нола, йиғи дегани. Ҳофиз туғилганда ота-оналари раҳматли Нусрат ота ва Турғуной аялар Қирғизистоннинг Бозорқўрғонига узатган қизларининг кўшнисига ҳавас қилиб шу исми кўйишганда бу нарса тушларига ҳам кирмаган. Қаранг, исмда илоҳийлик бор, деб шунга айтишса керак-да!

Одам соғиниб соғийди, энг аччиқ мусибатларга да кўникади. Ҳофизнинг ўлимига ишонмоқ ва кўникмоқ анча қийин бўлди. Наилож! Бироқ ҳофизнинг ўзи бу дунёда бўлмаса ҳам сувлар оқяпти, тонглар отяпти, қолғу ўзга кўлларда янграяпти. Ҳатто Охуннинг кўшиқларини айтишяпти... Лекин ҳеч қайсиси бу кўшиқларни ўзи айтганчалик айтолмайди, Охун кўшиқлари хумори, соғинчини босолмайди. У энди ораимизда йўқ...

Эрта тонгда Олтиариқ туман марказий сайлгоҳида ҳофиз руҳини шод этиб кексаларга ош тортиди, Куръон ўқилди. Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ҳофиз қабрини зиёрат қилдилар. Олтиариқ туман марказий ўйингоҳига Охунжоннинг мухлислари, ёру-дўстлари ўша куни мисоли оқиб келди. Бутун водийдан, пойтахт Тошкентдан марҳум ҳофизни хотирлаб келувчилар кўп бўлди.

Хотира кечасида Охунжоннинг дўстлари, устозлари ёдга олдилар.

Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасинов:

— Охунжон одамохун йигит эди. У минглаб одамлар кўнглини нафақат кўшиқлари билан, балки кадрдонлиги, самимий дўстлиги, беозор ва дилбар ошнолиги билан ҳам забт этган эди.

Таниқли кўшиқчи Хуршид Расулов:

— Кўп қушлар иқлим ўзгариши билан ҳар фасл ўз ватанини янгилайди. Бургутлар эса қишу ёз тоғларига содиқ қолади, деган доно гапни ўқиган эдим. Устоз Олтиариқда туриб, чекка бир қишлоқда яшаб, Ўзбекистонда, бутун Ўрта Осиёда доврўф қозонган эди. Бу катта меҳнат, катта заҳмат маҳсули.


Машҳур сўз устаси

Абдулла Акбаров:

— Охунжон ижодининг дастлабки йилларида ноқ машҳур бўлиб кетган эди. Уша йиллари бирга ижод қилганмиз. Бир гал Сирдарёга тўйга бордик. Тўйхонани излаб тополмаяпмиз. Шунда Охунжон машинадан тушиб, бир тўп ёшлардан сўради: "Йигитлар, Охун қаердаги тўйга келади?" Улар "Охун нариги маҳалладаги тўйга келади" деб кўрсатишди ва биз тўйхонани осонгина топиб борган эдик.

Кўқонлик таниқли хонанда Тоҳирбек Маҳкамов:

— Устозим Охунжон Мадалиевнинг хотирасига бағишланган катта тадбирга туман ҳокимлиги, Олтиариқ аҳли жуда пухта тайёргарлик кўрибди. Ўз ҳамюртларига, бир истеъдодли ўғлонларига чексиз ҳурматидан ҳайратландим. Айниқса, туман ҳокими Нўъмонжон Омонов тадбир бошида тургани, тумандаги барча кўшиқчиларга ва биз меҳмонларга кўрсатган илтифотидан мамнун бўлдик. Ҳавас қилдим, ўрганса арзийдиган, бошқалар ибрат олгулик Охунжон Мадалиев энди ўзининг



иккинчи умрини халқ ардоғи, эъзозиде яшайди. Хотира тадбирининг яна бир эсда қоларли жиҳати, шу куни ҳофизнинг шогирдларидан бири ўғил кўрди ва фарзандига Охунжон дея исм кўйди. Шу кунги байрамда ота-оналари томонидан ҳофизга ҳавас қилиб кўйилган яна кўплаб Охунжон исмли ўсмирлар, болакайлар иштирок этдилар. **Демак, ҳофиз топиб айтган экан:**

*Бир яшанган чечакман,
Бу гулистон Ватанда.
Богбон қилур парварши
Сўнмаслигимни билдим.
Авлодларим қониди,
Мангу жўшиб яшарман.
Кўшиқларимда мангу-
Ўлмаслигимни билдим!..*

**Ботир ОМОН,
«Turkiston» мухбири.
Малик Бой
МУҲАММАД**

San'at olami

САҲНА

АКТЁРНИ ПИШИТАДИ

Ўзбек Миллий Академик Драма театри актёри Фарҳод Абдуллаев яратган "Кундузсиз кечалар" спектаклидаги гунг образини кўриб, жуда таъсирландим Спектаклнинг Чўлпонни ҳибсга олиб кетиш саҳнасида шоирнинг этакларига ёпишган гунг (Фарҳод Абдуллаев)нинг ҳолатидан, унинг бир оғиз сўз айтишга ожизлигидан, инграшидан қалбингиз ўртанади. Гунг тинимсиз инграйди, йиғлайди, сиз ҳам беихтиёр унга кўшилиб унсиз йиғлайсиз, дардларига шерик бўласиз.

— Сизни фақат комедия жанридаги образларни ўйнай олади, деб ўйлар эдим. Гунг образини кўргач эса...

— Биласизми, мен табиатан йиғлоқироқман, кўнглим жуда бўш, таъсирчан инсонман. Ўзимдаги шу хислатлар ролимнинг янада ишончи ва таъсирчан чиқишига сабаб бўлди.

— Сиз ўзингизни комик актёр деб ҳисоблайсизми ё трагик?

— Ҳар иккаласида ҳам ўзимни профессионал санайман. Яна катта гапиряпти, деманг. Бу образни эплолмайман, ўйнолмайман, дейиш ўзини актёр санаган ҳар қандай артист учун уят. Актёрлик - касбим, халқ олдидаги, саҳна олдидаги бурчим ва мажбуриятимдир.

— "Ўзингизники" бўлиб қоладиган ролингизни топ-

дингизми? Топмаган бўлсангиз уни қандай тасаввур қиласиз?

— Агар актёр ўзиники бўлиб қоладиган ролини эртароқ топса, яъни унга бу тўхфа вақтлороқ келиб қолса-ёмон. Сабаби, актёр бошқа янги образлардан бенасиб бўлиб қолиши, ижод қилишдан, изланишдан тўхтаб қолиши мумкин. "Ўз ролимни топдим" деган тушунча актёрни хотиржам қилиб кўяди. Раҳматли Зайнаб опа (Фармонбиби) ўз ролларини кеч топдилар ва ўзлари билан олиб кетдилар.

— "Кўнгли кўчалари" видеофильмидаги Тиллавоё билан ҳаётдаги Фарҳод аканинг ички қиёфасида мутаносиблик борми?

— Тиллавоё билан хулқ-атворимизда баъзи ўхшашликлар бор албатта. Тиниб-тинчимаслиги, югуриб-елишдан чарчамаслиги худди ўзим. Аммо, она-

сининг ҳолидан хабар олмаслиги менга бегона. Бу томони менга мутлақо ўхшамайди.

— Кинода ўйнашни афзал кўрасизми ёки театрда?

— Театрда. Саҳна актёрни шакллантиради, пишитади. Томошабин билан юзма-юз, жонли мулоқотда бўласиз. Кинода эса бошқачароқ.

— Кинода муваффақиятли чиққан ролларингиз қайсилар?

— "Бомба" фильмида, "Даллол" фильмида Людмила Касаткина билан, Италия кино ижодкорлари билан ҳамкорликда яратилган "БО БА БУ" киносида француз актрисаси Ариэль Дамбаль билан ижро этган ролларим, менимча, муваффақиятли чиқди.

— Саҳнага чиқдингиз. Сизнингча саҳнада энг муҳим нарса нима?

— Эркинлик.

— Ҳаётдаги ожиз томонингиз нимада-ю, саҳнадаги ожиз томонингиз нимада?

— Ҳаётда ўзимни ожиз деб билмайман. Аммо саҳнадаги ожизлигим режиссёрга тобелигимда.

**Матлуба ТЕМУР кизи
суҳбатлашди**

Неча йилдирки, таниқли кино юдузи Жеки Чан телетомошабинлар қалбидан жой олган. Жеки Чаннинг тўлиқ исми Чан Конг-Санг бўлиб, бу "Гонконгда туғилган" сўзини англатади. У 1954 йилнинг 7 апрелида Гонконгда жуда ночор оилада туғилди ва ёшлиқдан қийналиб ўсди. У арзимаган 26 доллар учун куни билан ишларди. 1960 йил Жекининг ота-онаси Австралияда иш топади ва у ҳам кетишга мажбур бўлади. Бир йилдан кейин, яъни 1961 йилда 7 ёшли Жеки Чан Гонконгга қайтиб, Пекиндаги опера мактабида 10 ёшгача таҳсил олади. У ерда кўшиқ айтиш, рақс тушиш,

**ЖЕКИ ЧАННИ
ТАНИЙСИЗМИ?**

акробатика, кураш санъатларини ўрганди. Жеки Чан кейинчалик кун-фуга ҳам қатнашиб, бу спорт турига каттиқ қизиқиб қолади. Жекининг фильмларини санаб ўтадиган бўлсак "Мен кимман", "Тигиз пайт", "1 ва 2", "Ишқ сурури", "Полиция тарихи", "Эгиз аждар", "Шаҳар безориси" ва бошқа кўплаб фильмлари мавжуд. У 1996 йилнинг 10 февралда "Оскар" мукофоти сазовор бўлган. Жеки фақатгина Гонконгда эмас, Европада ҳам жуда кўплаб фильмларда роль ижро этиб, шундай мартабага эришди. Жеки яхши режиссёр, актёр ва каскадёр бўлибгина қолмай, кўшиқчи ҳамдир. Унинг Гонконгда 10 та кўшиқлар альбоми чиқиб улгурган. Айтишларига қараганда, овози жудаям ширали. Унинг ҳаёти ҳақида гапирадиган бўлсак, хотини актриса Линг Фенг-Чао ва бир ўғил бор.

Буни қарангки, Жеки бундан кейин севги, муҳаббат деган нарсалардан йироқда бўлишга ҳаракат қилиб, фақатгина спорт билан шуғулланиб, бўш вақтини сўямкага сарфлашга аҳд қилган ва ўз устида қайта-қайта ишламоқда.

У суратта тушган фильмлар фақатгина уруш-жанжал билангина кифояланиб қолмай, унда кулгили сюжетларга ҳам кенг ўрин берилган.

**Феруза ТОШМАТОВА
тайёрлади**

Утерянный диплом К.Х.Т № 000058 выданный в 1996 году в.г.Ташкенте Сабир Рахимовском районе уч. № 107 на имя Хидоятовой Умиды Шоназаровны регистр № 1732 считать недействительным.

Утерянный гос.ордер №05-01/7259. От 28.02.1993 права собственности Ахатова Исабай на квартиру считать не действительным.

Утерянные печать и угловой штамп ДП "Фикон-АУДИТ" Шайхонтоурского района считать не действительным.

Утерянный гос.ордер № 0701/9283 от. 30.04.93 Права собственности Суббота Виктор Сергеевич на квартиру считать не действительным.

ХУШ ҚОЛ...

(Кисса)

(Охири, боши ўтган сонларда)

— Ҳа, опам дамлаб берди, - деди Жаъфар яна бошини куйи солиб. — Бизда кофе ичилмайди, одатда. Кийиниб кўчага чиқдим. Саккиз юз сўмга бир банка «Нескафе»дан олиб келдим. Ойимга шундай-шундай дедим. Ростига гап, уялар эдим. Ойим бўлса: «Майли, майли. Урганган экан-да», деб кофе дамлаб бердилар. Чашкани кўтариб кирсам, Ангелина ҳалиям ўшандоқ ўтирибди. Фазаби келган. Кофени ича бошлади. «Уйдаям шунақаминг?» деб сўрадим. «А, қанақа бўлишим керак?» деди у. Индамдим.. Қисқаси, шу пайт опам келиб қолди-ю, бу ахволни кўриб бобиллай кетди: «Қанақа келинсан? Усан-бусан. Тур ўрингдан. Наҳс босиб ўтиришини қаранг бунинг! Энди сан келинсан. Бировнинг ҳасми-дасан! Бизнинг урфин қилишинг керак... Самарқандда ресторанда куйдирганинг етади. Қўлимдан келганида ўша пайтда тўхтатардим. Юз минг сўмга олинган либосда ўтирганинг ёдингдими? Вей, юзини яширишни билмайди. Майли яширма, хиёл бошингни эгиброк ўтир. Йўқ, залга бакрайиб қарайди. Қандайдир маст йигитлар чиқиб, у чакангдан ҳам, бу чакангдан ҳам ўпади. Мана бу бечора укам бўлса, ёнингда йўқ бўлиб кетди...» Хонага онам кирдилар. Опамни олиб чиқдилар. Мен каравот четига ўтирдим. Ангелина опамга қарши бир сўз ҳам демаган эди. Ниҳоят, «жуда эски ўзбекча экан, - деди. — Тожиклардаям мунақаси кам. Ну ничего. Мен индинга Самарқандга кетаман. Ҳозир эса қариндошимнинг уйига бораман. Бу ерда тоқат қилиб ўтириб бўлмайди, кўряпсан-ку?»

— Аҳ, ярамас, ярамас Ангел, - деди ҳайдовчи. — Ҳа, ундан буни кутиш мумкин эди.

— Уни танийсизми? — Жаъфар бутун гавдаси билан ҳайдовчига бурилиб ўтирди.

XIV

— Битта кўчада яшагандан кейин нега билмас эканман? — деди ҳайдовчи кўзлари олайиб кетиб. — Уни бутун Самарқанд билади десам ҳам ишонавер. Отнинг қашқаси-ку! У кирмаган видеохона, ресторан, бар қолмаган. Наша чекади дейишади. Мен бу галгаям ишонаман. — Кейин захарханда қилди: — Ҳе, бечора укам! Дуд келган одамларнинг қара! Ўзбек-Америка почтаси бўлибсан, Ҳабиб гиёҳван-

дга ёлланибсан, энди тақдирнинг ўйинини қарангки, бу туллакка дуч келибсан. — Сўнг ўйланиб қолиб давом этди: — Мен жуда унақа ўқимаган одамман. Аммо лекин сенинг ҳикояларингдан шу нарсага ақлим етдики, бу палакатларга дучор бўлишингга мулла жиринг сабаб бўлган. Кўк қоғоз, доллар! Уйи куйсин долларнинг... Эсингдами, Тошкентдан чиқаверишда менга нега бошқа пассажир олмадингиз, дединг. Тупурдим ортиқча давлатга! Хотиним ўғил туғиб берди, шу менга давлат!

— Кеңирасиз, амаки, — деди қизариб-бўзариб кетган Жаъфар қоматини тиклаб. — Ман жуда унақа долларнинг устида ўлиб қолдиган йигитмасман. Айтдим шекилли, иккала ишхонадан ҳам бир сўмсиз чиқиб кетдим. Лекин доллар ишлагим бор эди. Нима қилай? Омадин юришади...

— Америкага борсанг омадинг юришади?

— Билмадим, гумонсираб қолдим. Ишонмаяпман. — Кейин ютини олиб давом этди: — Қолаверса, Америкага ман томошага бормоқчи эдим, аслида. Бу хиндулар ҳақида фильмларни кўриб, кўнглимда туғилган орзуим эди. Қанақа кенгликлар, прериялар... Уйласам, ўша томонларга қанот қоқиб, учгим келарди.

— Ҳе, биз ҳам қизиққанмиз ўша хиндуларга. Ким уларни яхши кўрмайди? Озодлик учун курашадиган кишилар ҳамиша қадрли бўлишади. — Шу пайт у ойнадан ям-яшил бўлиб кўри наётган адирга тикилиб қолди. Жаъфар ҳам у ёққа қараб, адир адоғидаги бир тўп қора нуқтани кўрди. Тўп шу томонга яқинлашиб келаркан, ҳайдовчи шошилиш равишида машинасини четга чиқариб, ушбу йўлдан адирни тўсиб турган баланд симтўри девор яқинида тўхтатди.

— Нима у қоралар? — деб сўради Жаъфар. — Туш, пастга туш, — деди ҳайдовчи ташқарига чиқаркан. Ва қишлоқчасига бақариб юборди: — Бизнинг хиндулар келишяпти! Отликлар улар. Кўпқари бўляпти. Кўпқарини кўрганмисан ҳеч?

— Телевизорда бир минут-ярим минут...

— Кўрмагансан-да! Ана энди кўрасан. Эй, укажон, отни хиндуга эмас, ўзбекча чиқарган. Ҳа, менимча, яратилишдан шундай бўлган. Эшитишимга қараганда, хиндуларга от жониворни овруполиклар оборишган экан. Испанларми, ким билади. Унгача от нималиги-

ни билишмаган. Бизнинг бобкалонларимиз отда туғилишган! Битта мисол айтаман, тўғри тушунгин. Мана, тожикларимиз бор, тожик тили бор-а? Бор. Мен ҳам шу тилни биламан. Қандайдир уругимизда тожиклар бўлган. Лекин битта нарсага ҳайрон қоламан. Отнинг эгар-жабдуғи дейсанми, абзали дейсанми, фақат ўзбекча. Тожикчада йўқ. Тожик биродарларимиз ўзбекчасини айтишади. Бу нимани кўрсатади? Фахрланмайсанми, жигар?

— Э, сиз зўр экансиз, амаки, - деди Жаъфар унинг ёнида туриб тобора катталашаётган отлар тўпига қараб. — Чиндан ҳам хиндуларга ўхшаб келишяпти.

— Мени мақтаганинг учун сенга яна бир гапни айтаман, — у Жаъфарга ўзлашиб олди. — Тарихни ўқигансан, ука. «Босмачи» деганини биласан-а?

— Албатта, - деди Жаъфар беғубор жилмайиб. — Улар аслида ватанпарварлар бўлишган.

— Отанга раҳмат. Шундай бўлишган. Булар, балки хиндулардан ҳам устароқ, честнироқ бўлишган. Чоллардан эшитганмиз-да... Ана уларнинг ҳалиги қизиллар билан урушлари ҳақида кинолар чиқарилса! Уларнинг олдида хиндулар ҳақида фильмларинг, билмадим, нима бўлади. Уйлаб кўр! У, улар зўр урушганлар. Ана шу тоғу тошлар орасида, шу кенгликларда савашганлар.

Жаъфар шу қадар бўшашиб кетдики, негадир йиғлагиси келаётганини туйди.

— Бари гапларингиз тўғри, - деди.

— Албатта тўғри-да, - ўзини-ўзи тасдиқлади шофёр. — Ана энди де, мустақил бўлдик. Босмачилар оқланди, — бирдан жимиб қолди. Кейин қовоғи солинди. — Душманларимиз кўп. Айниқса, ҳалиги динчилар ичиндан чиққан ақида-парастлар бор-ку?

— Биламан, амаки. Кейин пишиллаб бурнидан нафас олди амаки.

— Агар менга ишонсанг, хўш, Ангел яшаётган оила билан бир кўчада яшашимизга ишонсанг, тепамда худо борки, унинг отаси ҳозир Америкада нарқобизнес билан шуғулланган. Ҳа... Буни бизнинг органдагилар ҳам билишади. Аҳир, иккита ўртоғимнинг биттаси — мелиса. Шу билан бирга, укажон, у мулланнинг, намангандан чиққан ҳалигидақалар бор-ку, ўшалар билан алоқаси бор. Шу билан бирга яна бир гап: бу домла аслида наманганлик эмас. У киши билан икки оғиз гаплашган одам ҳам тилидан билар эди. Тили жуда эскича. У тилни эски чолларимиз ҳам унутиб юборишган. У киши қайсидир йилларда Наманганда хийлагина ҳалигиндай ташвиқот ишларини олиб борган экан. Шунақа. Кетдилар Америкага.

— Тушунмаяпман, — деди Жаъфар.

— Э, гапнинг қисқаси, ундай домлалар бизга қарши, мустақиллигимизга қарши шервачаларни тарбиялайдиган устозлардан экан. У одам ғойиб бўлганидан кейин эшитдикда. Самарқанддаги диний мактабдаям хийлагина ҳалигиндай ташвиқот ишларини олиб борган экан. Шунақа. Кетдилар Америкага.

— Тушунарли. — Ана энди қизиям кетмоқчи, - деб давом этди ҳайдовчи

шошилиб. Зеро, улоқчилар яқинлашиб қолган, хув-хув этган ёввойи қийқириқлар эшитила бошлаган эди. — Менимча, гап шундаки, Ангелинанинг ватани бу ер эмас, — сўнгра бирдан кулиб юборди. — У жонивор ўз уйингдаки сени хурмат қилмапти, тўғриси, хўрлапти, худо курсатмасин, у ёқда...

— Етади, амаки. — Шундай бўлсин. Мана, сенинг ватанинг.

— Ҳа, албатта. — Шунини сев-е, жигар. Бошқаси бекор. Американинг ўз халқи бор. Улар ўз ватанларини севишади.

— Албатта. Шу пайт устига лой сачраган, ялтираб-терлаб, оғизлари кўпириб кетган отлар симтўр деворга яқин келишди-ю, олдиндаги тақимиға улоқни бостириб олган бўз от бошини бурди. Бошқа отлар сурилиб келиб симтўр девор қаршисида зўрға тўхташди. Битта зулукдек от нақ деворга сапчиди. Жаъфар донг қотиб қолди. Отнинг кўзлари қинидан чиққундек бўлиб кетган, бурун катаклари кенгайган, худди-ки дунёни босиб танқиларнинг шлёмини кийган йигит жиловни қалта ушлаб отни тислантирди. От орқа оёқларида тикка бўлиб бурилди.

Бошқа отликлар ҳам ўлжани обқочиб кетаётган улоқчининг орқасидан зингилаб кетишди. Улар орқасидан фақат лой отилар эди.

ХОТИМА

Автобекат.

— Амаки, шу пулни олинг. — Йўқ дедим-ку, э... Лекин Самарқандга йўлинг тушган-да бизнинг уйга кирарсан.

— Қандоқ бўларкан, улар билан бир кўчада турсангиз.

— Э, эсим курсин, сени яхши кўриб қолдим, ука. Майли, Тошкентга борганимда, ўзим сени телестудиядан топаман. Яна гурунг қиламиз. Лекин сен ҳалиги «босмачилар» ҳақида серия-серия фильмлар яратиб керак, деб катталарингга айт.

— Албатта, - деди Жаъфар. — Иложи бўлса, ўзим ҳам қатнашарман фильм олишда.

— Албатта қатнашгин.. Хўп, мен тезроқ уйга етиб борайин. Исмнинг ҳам менга ёқди. Балки жианчангни ҳам Жаъфар деб атармиз. Вай, пулни киссанга сол!

— Раҳмат, амаки. — Шошма, сизлар қаерда заксдан ўтгансизлар?

— Тошкентда.

— Ҳа-а. Ўзи боради. Ана, таниш такси!

— Йўқ, мен мана шу тепаликка чиқиб бироз ўтирайин. Айтмоқчи, сигарет олишим керак. Дўкон қатда экан?

— Дўкон, дўкон. Дўкон бардачокда!

— Раҳмат сизга. Бирпасдан кейин Жаъфар куртқасининг ёқасини кўтариб қўйиб, бекат тепасидаги тошлари чиқиб ётган қирда кўнишиб чекиб ўтирар, қаршисида эски ўрикзор боғ ястанида ётарди.

Унинг йиғлаётганини айтиш шартмикан?

Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВ

ЮЛДУЗЛАР СЎЙЛАГАНДА (03.06-09.06)

КҲЙ. Ҳаётингизнинг беташивиш ўтиши, соғлигингизнинг безовта қилмаслиги сабабли ҳамма ишларингизни ўз вақтида бажарасиз. Уддабурон бўлсангизгина муаммоларингизни ҳал қилишингиз мумкин. Оилангиз аъзолари билан муносабатларингиз аъло даражада бўлади.

БУЗОҚ. Режалаштирган ишларингизни амалга ошириш учун қариндош-уруғларингиз, қўшнилари, танишларингиз ёрдами ёки улар берган маълумотлардан фойдаланинг. Ҳаётингизни яхши томондан кўра бошлайсиз, келажакка ва ўзингизга бўлган ишонч сизни яна янги ишларга ундайди.

ЭГИЗАКЛАР. Бу ҳафта сизни моддий масалалар бироз қийнайди. Тадбиркорлар ўзларига шерик танлаётганларида эҳтиёт бўлишларини маслаҳат берамиз, чунки алданиб қолишлари мумкин.

КИСКИЧБАҚА. Қилган ҳамма ҳаракатларингиз ўз самарасини беради. Жозибангиз ва латофатингиз билан ҳаммани махлиё қилиб, ҳамма ишларингизни бажариб olasиз. Ўз омадингизни қўлдан бой берманг.

АРСЛОН. Бошқаларга таъсир ўтказа олиш қобилиятингизни арзимас нарсаларга сарфламаманг. Эътиборингизни бир ерга жамлаб, ҳаракатларингизни катта ишларга сарфланг. Олдингизга аниқ бир мақсад қўйиб, ўшанга интилинг, бу кутилган натижани беради.

ПАРИЗОД. Қайси ишга қўл урманг ҳаммасини муваффақиятли бажарасиз. Муҳим маълумотлардан усталик билан фойдаланишингиз, ажойиб фикрларингиз атрофингиздагиларни қойил қолдиради. Уддабурон бўлсангиз душманларингиз дўстга айланиши мумкин.

ТАРОЗИ. Бу ҳафта ҳаётингиз яхши томонга ўзгариши мумкин. Бунда ҳис-туйғуларингиз асосий рол ўйнайди. Бошлигингизнинг сизга бўлган яхши муносабати ишдаги кўп муаммоларингизни ҳал қилишингизга ёрдам беради.

ЧАЁН. Саёҳат ва чет элда дам олиш учун жудаям қулай вақт. Фақат эҳтиросларингизни жиловлаб туринг, яна севиб қолманг. Йиғилиб қолган муаммоларингизни ўзингизни уринтирмасдан ҳал қилинг.

ЎКОТАР. Хужжатларга тааллуқли муаммоларингизни бу ҳафта муваффақиятли ҳал қиласиз. Ҳаётга бўлган севгингиз, ҳис-туйғуларингиз янада ёрқинроқ намоён бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафта хуш кайфият, келажакка бўлган ишонч, меҳнатсеварлик сизга ёр бўлади. Тадбиркор шерикларингиз билан амалга оширган ишингиз сизга яхшигина фойда келтиради. Лекин бу фойдани қандай бўлишини олдиндан келишиб олганингиз маъқул, келишмовчиликларнинг олдини оласиз.

КОВҒА. Бу кунларда ўз касбингизга бўлган муҳаббатингиз яққол намоён бўлади. Агар сизга ишни ўзгартиришни таклиф қилишса, олдин яхшилаб ўйланг, кейин афсусланиб юрманг.

БАЛИҚ. Бу ҳафта тадбиркорлик ишларингизни амалга ошириш учун жудаям қулайдир. Келажакка бўлган ишонч, атрофдагиларга бўлган сабр-тоқат, озгина нарсага қаноат ўз натижасини беради. Бу ҳафтани беташивиш ўтказасиз.

«ОҚ ЙҮЛ, СЕНГА, БИТИРУВЧИ!»
Шу йилнинг 3, 4, 5 июнь кунлари «Turkiston» ва «Зарафшон» газеталари ташаббуси билан Пахтачи, Нарпай, Хатирчи, Каттакўрғон, Иштихон, Самарқанд туман ва шаҳарларида мактаб битирувчиларининг шоирлар билан учрашуви ўтказилади.
Мушоирада Ўзбекистон Халқ шоири Ҳалима Худойбердиева, шоирлар Зулфия Мўминова, Хосият Бобомуродова, Фарида Афрўз, Ойдинисо Йўлдошева иштирок этади, янги шеърлардан намуналар ўқилади.
Ажойиб мушоира кечаси сизларни кутмоқда.

Turkiston
МУАССИС:
«КАМОЛ»-ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга топшириш вақти-21.00
Топширишда 21.00
1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А-3.

Бош муҳаррир:
Салим АШУРОВ

Таҳрир хайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслидин БОЛИЕВ, Юсуф ЖҲРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислоҳ ҲАМРО, Файрат ШОУМАРОВ, Авазжон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Фаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Вилоят мухбирлари:

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизга: 8-37622 — 3-53-88

Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорога: 8-365—223-37-44

Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонга: 8-3672—24-02-86

Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — Фарғонага: 8-3732—24-54-61

Наманган вилояти бўйича — Наманганга: 8-36922 — 6-10-70

Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандга: 8-3662 — 34-43-89

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчга: 8-36222 — 7-45-22

Қорхона манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Манзилымиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: 133-95-97,
Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир:
Хуршидбек РУЗИЕВ

Саҳифаловчи:
Нодирбек ОРТИҚОВ